



Application of a preventive measure in the form of detention, in relation to a suspect in criminal proceedings

Kamoliddin MAVLANOV¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received October 2021

Received in revised form

15 November 2021

Accepted 20 December 2021

Available online

15 January 2022

Keywords:

suspect,
right,
obligation,
defender,
advokat,
investigation.

ABSTRACT

This article discusses the protection of the rights and legitimate interests of a person suspected of committing a crime. His security with the right and protection of a suspect in the criminal procedure legislation. The experience of a number of developed foreign countries is being studied. Providing the presumption of innocence. Meaning, its content, directly for the suspect. And also, the importance of the presumption of innocence to denote the rights of the suspect. And his immediate rights. In particular, the experience of foreign countries is being studied.

2181-1415/© 2021 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss11/S-pp265-269>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Жиноят ишлари юритувида гумон қилинувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

гумон қилинувчи,
ҳуқуқ,
мажбурият,
ҳимоячи,
адвокат,
тергов.

Ушбу мақолада жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, бир қатор ривожланган хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилигида гумон қилинувчи ҳуқуқларининг таъминланганлиги, айбсизлик презумпцияси, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси, гумон қилинувчига нисбатан эҳтиёт чораларини қўллаш, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашда суд томонидан инобатга олиниши лозим бўлган ҳолатлар таҳлил қилинган.

¹ Senior lecturer at Tashkent State University of Law. Tashkent, Uzbekistan. E-mail: kamoliddinmavlanov@gmail.com.

Применение меры пресечения в виде заключения под стражу, в отношении подозреваемого в уголовном в судопроизводстве

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

подозреваемый,
право,
обязанность,
защитник,
адвокат,
следствие.

В данной статье, рассматриваются защита прав и законных интересов лица, подозреваемого в совершении преступления. Его обеспеченность правом и защитой, подозреваемого в уголовно-процессуальном законодательстве. Изучается опыт ряда развитых зарубежных стран. Обеспечивающих презумпцию невиновности. Значение, ее содержание, непосредственно для подозреваемого. А также, важность презумпции невиновности для обозначения, прав подозреваемого. И его непосредственных прав. В частности, изучается опыт зарубежных стран.

Жиноят ишлари юритувида процессуал мажбурлов чораларини қўллаш шахсинг конституцияда назарда тутилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига тўғридан тўғри дахл қилади. Қонуний ва тўғри асосларнинг мавжудлиги, шунингдек, ҳуқуқ ва эркинликлар чекланиши чегарасининг аниқ белгиланганлиги жиноят ишини юритишда қатнашаётган иштирокчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳал қилувчи омиллар саналади. Ўзбекистон Республикаси ва у томонидан тан олинган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда жиноий таъқибга учраган шахсинг ҳуқуқларини чеклашнинг аниқ тартиби белгиланган. Уларда назарда тутилмаган тарзда шахс ҳуқуқларини чеклаш тақиқланади.

Эҳтиёт чоралари процессуал мажбурлов чораларининг жуда муҳим таркибий қисми саналади. Улар, биринчи навбатда, қонунбузарликнинг олдини олиш хусусиятига эга, бошқача айтганда, бу чоралар қўлланиши мумкин бўлган шахсларнинг келгусида ғайриқонуний фаолиятига йўл қўймасликка хизмат қилиш билан бирга жиноят-процессуал фаолиятнинг самарали ташкил этилишига шароит яратади. Эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи (алоҳида ҳолларда гумон қилинувчи) суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлашининг олдини олиш; унинг бундан кейинги жиноий фаолиятининг олдини олиш; унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга халал берадиган уринишларига йўл қўймаслик; ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида қўлланилади (ЖПК 236-модда). Гумон қилинувчига нисбатан бу турдаги чораларни қўллашдаги асосий қийинчилик унинг процессуал мақомига бориб тақалади.

Қоида тариқасида эҳтиёт чоралари айбланувчиларга нисбатан қўлланилади, яъни шахсга нисбатан айблов эълон қилинган бўлиши лозим. Алоҳида ҳолларда эҳтиёт чораси гумон қилинувчи сифатида ЖПК 221-моддасига асосан, ушланган шахсга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолларда эҳтиёт чораси ўн кунгача муддатга (ушлаб туриш вақти ҳисобга олинган ҳолда) қўлланилган ҳисобланиб, шу муддат ичида гумон қилинувчи жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши шарт [1]. Бошқача айтганда, суриштирувчи, терговчи ва прокурорда шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи қўлланилган вақтдан бошлаб, айб эълон қилиш учун 10 кунлик муддат мавжуд.

Бироқ бундай ҳолларда айблов сифати шубҳа остида қолади. Бунинг сабаблари сифатида жиноят иши доирасида йиғилган далилларнинг етарли эмаслиги ва жиноят иши ҳолатларининг тўлиқ ўрганилмаганлигини кўрсатиш мумкин. Шунинг учун мазкур муддат ичида айб эълон қилиш масаласи процессуалист олимлар ўртасида баҳсга сабаб бўлмоқда. Жумладан, А.А. Бондарев фикрича, шошма-шошарлик билан, етарли далилларни тўпламасдан туриб ёки зарур материалларни йиғмасдан туриб айбланган шахс тергов жараёнида айбсиз эканлиги маълум бўлиши ва реабилитация қилиниши мумкин [2]. Шунинг учун олим бундай вазиятда айблов эълон қилиш муддатини узайтиришни таклиф этган. Д.А. Иванов ҳамда М.А. Куликовлар ҳам бу фикрга қўшилган ҳолда мазкур тартибнинг камчиликларига тўхталган [3]. Нима сабабдан бунчалик қисқа муддат берилганлиги, бу вақт ичида йиғилмаган далилларнинг етарлилиги ва, умуман, эълон қилинадиган айбловнинг сифати мунозарали масала. Амалдаги қонунчилигимиз бўйича мазкур тартибга риоя қилиш жуда муҳим бўлиб, эҳтиёт чоранинг қонуний ва асосли танланганлиги шахсни гумон қилинувчи тариқасида жиноят ишига тўғри жалб этилганлигига бевосита боғлиқ бўлиб қолади. Шунинг учун ушлаб турилган гумон қилинувчига нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг қонунийлиги ва асослилигига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007-йил 14-ноябрдаги 16-сонли “Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги Қарорнинг 9-бандида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги илтимоснома қўзғатиш тўғрисидаги Қарорда шахс гумон қилинаётган ёки айбланаётган жиноят, қилмиш квалификацияси, гумон қилинувчи, айбланувчини қамоққа олиш заруратини келтириб чиқарган асослар, шунингдек, шахсга нисбатан бошқа турдаги эҳтиёт чорасини қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақидаги хулосалар баён этилиши лозимлиги назарда тутилган. Шунингдек, мазкур ҳужжатга биноан Қарорга жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги Қарорнинг, жиноят ишида гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги Қарорнинг, ЖПК 221, 225-моддалари тартибида тузилган ушлаб туриш баённомасининг, гумон қилинувчи, айбланувчининг шахсига оид маълумотларга доир ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади. Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатадики, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор ЖПКнинг 236-моддасида кўрсатилган асослар (масалан, гумон қилинувчининг бундан кейинги жиноий фаолиятининг олдини олиш, унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга халал берадиган уринишларига йўл қўймаслик) бўйича судга тегишли маълумотларни тақдим этмайди. Судга тақдим этилган ҳужжатлар орасидан тезкор-қидирув фаолиятининг бирор натижаси ёки бошқа бир асословчи ҳужжат нусхаларини топиш деярли имконсиз. Процессуалист олим Т.Е. Каудыров ушбу масалани ўрганган ва унга кўра, мазкур тартиб гумон қилинувчи ёки унинг адвокатлари томонидан суднинг ажрими устидан берилмайдиган шикоятлар кўпайишига сабаб бўлади [4]. Р.Р. Алекперов ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 236-моддаси 2-қисмида назарда тутилган нормани танқид қилиб, унинг айбсизлик презумпциясига зидлигини таъкидлаб ўтган [5]. К.К. Карабаева қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашни сўраб судга илтимоснома билан мурожаат қилганда прокурор бошқа енгилроқ эҳтиёт чорасини қўллашнинг иложиси йўқлигини исботлаб беришлари шартлигини айтиб

ўтган. Шу ўринда ушбу масалани тергов амалиётидаги амалий мисол билан таҳлил қиламиз: фуқаро Х.Тошматова 2021-йил 18-сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 2511-моддаси 3-қисми билан гумон қилинувчи сифатида жалб қилинган. Судда Бектемир туман прокурори ўринбосари У.Хусаинов илтимосномани қаноатлантиришни сўраб, тергов органи томонидан Х.Тошматова иш бўйича 2021-йил 18-сентябр куни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 2511-моддаси 3-қисми билан гумон қилинувчи тариқасида жалб қилинганлигини, ушбу жиноят Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 15-моддаси 3-қисмига асосан оғир жиноятлар туркумига киришини, тадбирда ушланганлигини, гумон қилинувчи озодликка бўлган ҳуқуқини чеклаш билан боғлиқ бўлмаган бошқа турдаги эҳтиёт чораси қўлланилган тақдирда дастлабки тергов органидан яшириниши ва ўзининг жинойий фаолиятини давом эттириши эҳтимоли мавжудлигини эътиборга олиб, унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни сўрайди. Судда гумон қилинувчи Х.Тошматованинг ҳимоячилари унинг айбига иқрорлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, вояга етмаган фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, қамоқ билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чорасини қўллашни сўради. Суд, илтимосномани қувватлаган Бектемир туман прокурорининг ўринбосари адвокат ва гумон қилинувчи фикрларини эшитиб, Х.Тошматованинг жинойий ҳаракатлари оғир жиноятлар турига киришини, ушбу жиноят жамият учун хавфлилигини, содир қилинган қилмиш ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олган ҳолда, унинг дастлабки тергов ва суддан бўйин товлашини олдини олиш ҳамда иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал бериши мумкин бўлган уринишларига йўл қўймаслик мақсадида, унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни лозим топади ва, натижада, суд илтимосномани қаноатлантиради. Бундан кўринадики, судлар гумон қилинувчининг дастлабки тергов органидан яшириниши ва ўзининг жинойий фаолиятини давом эттириши мумкинлигини етарлича ўргангани йўқ, бу тўғрисида судда маълумотлар ҳам йўқ, шунчаки тахмин бор, холос. Судларнинг бу нарсага эътибор бермаслиги гумон ёки айби исботини топмайдиган шахсларнинг қамоққа олинишига ва етарлича узоқ муддатга бу шахсларнинг тергов ҳибсхоналарида қолиб кетишига олиб келади. 2016–2020 йиллар мобайнида Республикада гумон қилинувчиларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш юзасидан судга юборилган илтимосномаларнинг салкам 98% и қаноатлантирилган. Бунинг устига қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун қонун томонидан ўрнатилган қисқа муддат судларга мазкур ҳолатларга ойдинлик киритишнинг имконини бермайди. Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги Қарорда ЖПКнинг 236-моддасида назарда тутилган ҳолатларнинг юз бериши мумкинлиги тўғрисида аниқ фактлар кўрсатилиши шарт.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги 16-сонли “Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/ru/docs/1595235>.

2. Бондарев А.А. Предъявление обвинения подозреваемому, в отношении которого применена мера пресечения. https://mvd.ru/upload/site129/folder_page/013/699/474/bondarev.pdf.

3. Куликов М.А., Иванов Д.А. Международные стандарты мер пресечения и их имплементация в законодательство Российской Федерации. Всероссийский криминологический журнал: 2020. – Т. 14, – № 4. – С. 627. <http://cj.bgu.ru/reader/article.aspx?id=23954>.

4. Каудыров Т.Е. Актуальные тренды правоприменительной практики в деятельности следственных судей. International scientific-analytical journal № 3 (66) <https://journal.apa.kz/index.php/path/article/download/144/115>.

5. Алекперов Р.Р. О применении заключения под стражу в Республике Беларусь и в законодательстве иных государств – участников Содружества Независимых Государств. <https://cyberleninka.ru/article/n/o-primenenii-zaklyucheniya-pod-strazhu-v-respublike-belarus-i-v-zakonodatelstve-inyh-gosudarstv-uchastnikov-sodruzhestva>.

6. Kamoliddin M. Procedural status of the suspect in criminal proceedings: procedural status of the suspect in criminal proceedings // TSUL Legal Report International electronic scientific journal. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 151–162.

7. Мавланов К. Айрим ривожланган хорижий мамлакатлар қонунчилигида жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахснинг ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланганлик ҳолати // Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 1/S. – С. 96–103.